



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Mavluda Shuxratjon qizi Nishonova Boshqaruv samaradorligini oshirishda sun’iy intellekt imkoniyatlaridan foydalanishning nazariy asoslari	150
Askar Axrorovich Siddikov, Islomjon Umrzoq o‘g‘li Yovqochov Yashil mehmonxona va restoranlar: ekologik boshqaruv va barqarorlik	154
ИНВЕСТИЦИЯ	
Шохида Ильясовна Артикова, Дилноза Наврузовна Султонова Реальные инвестиции как фактор повышения развития экономики страны	157
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Xurshida Abdumalikovna Karjavova Sug‘urta xizmatlari bozorini takomillashtirishda zamonaviy texnologiyalardan foydalanish yo‘llari	161
Alisher Komilovich Baxadirov O‘zbekistonda lizing oluvchilarni ijara muomalalari hisobining amaldagi holatini barqarorlashtirish yo‘llari	167
Faridun Mustafoyevich Tursunov Tijorat banklarida innovatsion masofaviy bank xizmatlarini tashkil etishning ahamiyatli jihatlari	172
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Мамаюнус Каршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусова Пардаева, Севара Абдиназаровна Бабаназарова Инсон ресурслари аналитикаси (таҳлили) фанининг вазифаларига оид фикрлар	177
Tolmasjon Namoz o‘g‘li Qurbonov “Yashil iqtisodiyot”ning iqtisodiy samaradorligini baholash tahlili	182
Otabek Olimjonovich Sobirov Boshqaruv hisobida sifat nazoratini tashkil etish va takomillashtirish	190
Бобур Фарходович Боронов, Дилноза Гафуровна Худайназарова Корхоналарда даромад ва харажатлар таснифини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш	192
Sirojiddin Haydarovich Shermamatov Uzoq muddatli aktivlar hisobi va auditini tashkil etishning muammo va istiqbollari	200
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Азимжон Фаррухович Мустафоев Нодавлат таълим ташкилотларида моддий харажатлар ҳисобини такомиллаштириш	205
To‘lqin Mardiyev, Azizbek Gafurov Qardosh bo‘lmagan tillarda iqtisodiy idioma va frazeologiyalarning leksik-semantik xususiyatlari	212
Хилола Нематовна Очилова Камбағалликни қисқартиришда олий таълим муассасаларининг ўрни ва аҳамияти	215
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Мамаюнус Каршибаевич Пардаев 1. Энг зарур тиббий ўғитлар. 2. Онкологлар энди мени кечиришмайди. бутун дунё топмаган дардимга, биргина мева даво бўлди!!	219

Хилола Нематовна Очилова – СамИСИ, “Менежмент” кафедраси доценти в.б., PhD

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш бўйича қандай ишлар амалга оширилиши лозимлиги ёритиб берилди ҳамда камбағалликни қисқартиришда олий маълумотга эга бўлган аҳолининг имкониятлари, олий таълим муассасаларининг ўрни ва аҳамияти келтириб ўтилди.

Калит сўзлар: камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлиги, таълим, олий таълим, талабалар, билим ва малака, таълим олиш афзалликлари.

Кириш. Бугунги кунда ҳар бир давлатда глобал муаммолардан бири бу камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишдир. Камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу икки масала бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, уларнинг ривожини бир-бирига таъсир кўрсатади. Бу соҳада олий таълим муҳим роль ўйнайди, чунки билимли ва малакали инсонлар ишлаб чиқариш жараёнларини самарали ташкил қилиш, янги технологиялар ва инновациялардан фойдаланиш орқали турмуш даражасини оширишга ҳисса қўша олади. Камбағалликни қисқартиришда олий таълимнинг аҳамияти жуда катта, чунки бугунги кунда дунёда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишни таъминлаш учун олий таълимнинг роли катта. Айниқса, ривожланишда бўлган мамлакатларда олий таълимнинг таъсири кўпроқ сезилади. Олий маълумотли кадрлар ишлаб чиқариш, илм-фан ва технологиялар соҳасида илмий тадқиқотларни жорий этишда, инновациялар яратишда янги инновацион имкониятларни яратишда, иш ўринларини кўпайтиришда, аҳолининг фаровонлигини оширишда ҳиссаси бекиёсдир.

Камбағалликни қисқартиришда олий таълимнинг муҳим жиҳатларини айтадиган бўлсак, биринчидан, **мамлакатнинг иқтисодий самарадорлиги ошади. Иқтисодий самарадорлиги ошишида олий маълумотли кадрларга сифатли билим бериб, аҳолининг касб-ҳунарини такомиллаштиришга ёрдам беради.** Бу эса ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида билимли ва етук кадрлар фаолияти орқали мамлакат иқтисодиёти ривожланади.

Иккинчидан, олий таълимда олинган билим ва малака юқори даражадаги касб соҳаларини такомиллаштиришга, ёрдам беради. Бу ўз навбатида аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Учинчидан, олий таълим муассасалари аҳолининг ижтимоий мавқеини оширишга, уларни ўзларининг имкониятларини ва ҳаётини мақсадларини эришишига кўмаклашади. Чунки билимли ва малакали кадрлар турли соҳаларда яхши иш ўринларига эга бўлишади. Бунинг натижасида камбағаллик даражаси пасаяди, аҳолининг ижтимоий барқарорлиги ошади.

Тўртинчидан, олий таълим муассасалари замон талабларига мос янги билим ва кўникмалар орқали кадрларни шакллантиради. Бу эса иқтисодиётнинг турли тармоқларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни самарали ташкил этишга, янги инновацияларни қўллашга ёрдам беради.

Бешинчидан, олий таълим муассасалари давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини такомиллаштиришга ва камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган тадбирларни амалга оширишга ёрдам беради. Шунинг учун, олий таълимни ривожлантириш ва унга кенг имкониятлар яратиш камбағалликка қарши курашда муҳим ва долзарб воситадир.

Камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш олий таълимнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Аҳолининг билим олишга бўлган қизиқишини ошириш, олий таълимга кириш имкониятларини кенгайтириш, билимларни амалий ҳаётга татбиқ этиш ва мутахассислар тайёрлаш бу жараёнларни тезлаштиради ва муваффақиятга эришиш учун асос бўлади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг

бандлигини таъминлаш, таълим, олий таълим хизматларини такомиллаштириш йўллари билан мамлакатимизнинг кўплаб олимлари шуғулланиб келмоқдалар. Булар жумласига С.С.Ғуломов, М.Қ.Пардаев, Д.Х.Асланова, Г.М.Шадиева, Обид.Пардаев, С.А.Бабаназарова, А.Латипов кабиларни¹ киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чоратадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги ПФ-143-сон Фармонида “Дастурда 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи “Камбағал оилалар учун еттига имконият ва масъулият” тамойили асосида амалга оширилади” деб келтирилиб, улардан бири бу “таълим олиш ва касб-хунар ўрганиш”дир деб келтириб ўтилган. Бу тамойилга асосан — 2024-2025 йилларда камбағал оилалар фарзандларининг мактабгача таълим билан қамров даражасини 80 фоизга етказиш, оиланинг камида битта фарзандини хорижий тилларга, касб-хунарга ёки мутахассисликка ўқитиш, битта фарзанди, хусусан, қиз фарзандининг олий маълумотга эга бўлиши учун шароит яратиш, болаларни компьютер саводхонлигига ўргатиш, ахборот технологиялари ва дастурлаш бўйича ўқув курсларида ўқиши учун шароит яратиш, шу жумладан, мактабларда тўғарақлар ташкил этиш”² – деб белгилаб қўйилган.

Тадқиқот методологияси. Камбағалликни қисқартиришда олий таълим муассасаларининг ўрни ва аҳамияти ўрганиш жараёнида мантиқий таҳлил, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, макон ва замон каби услуб ва ёндашувлардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Камбағалликни қисқартириш учун авваломбор барқарор бандлик ва юқори даромад топишга эришиш йўллари топиш ва уни амалга ошириш лозим бўлади. Бунинг учун тадбиркорлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда ҳар бир маҳаллага етакчи тадбиркорларни жалб қилиш, томорқадан самарали фойдаланиш, ҳар бир туман ва шаҳарда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берувчи лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, камбағал оилаларга даромад олиш манбаи сифатида экин майдонларини ижарага бериш, уларга кичик ишлаб чиқариш ускуналари, кўчма дўкон, мотороллер, скутер каби воситаларни бўлиб тўлаш шарти билан бериш ишларини амалга ошириш лозим.

Камбағалликни қисқартиришда бир неча муҳим омилларга аҳамият бериш лозим. Ушбу омиллар иш билан таъминлаш, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ёрдамларни бериб тўришларни қамраб олади. Буларга кенгроқ тухталадиган бўлсак, иш билан таъминлаш ҳам камбағалликни қисқартиришда муҳим роль ўйнайди. Давлат томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий корхоналарни ривожлантириш, ишга олиш имкониятларини кўпайтириш муҳим. Таълимга йўналтирилган инвестициялар одамларнинг иш топиш имкониятларини яхшилайтиди. Бу ҳам ишсизликни, ҳам камбағалликни қисқартиришга ёрдам беради. Таълимнинг барча қатламлари, хусусан, ёшлар ва аёллар учун бўлиши зарур.

Бундан ташқари, камбағал саналган қатламдаги аҳолининг, яъни аёллар, болалар, ногиронлар ва қарияларни эҳтиёжларини ҳисобга олиб ижтимоий ёрдам ва уларни муҳофаза қилиш чораларини кўриш лозим. Шунингдек, улар учун ижтимоий тўловлар, аҳолини таъминлаш дастурлари ва тиббий хизматлар муҳим ҳисобланади. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар, барқарор ва мукамал тиббий хизматлар кўрсатиш, камбағалликнинг аниқ сабаблари ўрганилиб уларга ёрдам бериш лозим. Одамлар соғлом бўлса, уларнинг ишга бўлган қобилиятлари ва иш жойлари билан боғлиқ имкониятлари ошади.

Камбағалликнинг сабабларини ўрганиш ва ўша сабаблар билан курашиш учун аҳолини таълим олишга йўналтириш муҳим. Бу аҳоли ўртасида аждодларимиз эгаллаган билим ва кўникмаларни тарғиб қилиш, камбағал қатламдаги аҳолини ҳам таълим олишга шароитлар яратиб бериш, ҳамда ўқиш даврида ижтимоий ва иқтисодий кўмак бериш лозим. Таълим бериш йўналиши камбағалликни қисқартиришда энг ишончли ва узок муддатли йўлдир.

¹ Ушбу олимлар асарлари адабиётлар рўйхатида келтирилган.

² <https://lex.uz/docs/7109857>

Камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг даромад манбааларини ошириш учун комплекс ва самарали тадбирлар зарур. Бу ишлар иқтисодий ўсиш, таълим, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак.

Камбағал қатламга таълим бериш ёки малакасини ошириш ва уларни янги касбларга ўқитиш. Камбағал қатламдаги аҳолини таълим тизимининг ҳозирги меҳнат бозори талабларига мувофиқ ўқитиш, ҳунар эгаллашга кўмаклашиш, уларни ривожлантириш, бирор бир соҳанинг устаси, қурилиш ишлари бўйича мутахассис, техника ва технологияларни таъмирлаш бўйича мутахассис, ахборот технологиялари бўйича мутахассис ёки бошқа мутахассисликлар бўйича касбий ўқитиш лозим бўлади.

Кам таъминланган ва ишсиз аҳолини қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга йўналтириш, аграр маҳсулотларни самарали ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш имкониятларини кенгайтириш ва йўллари топиш, уларга замонавий техникалар ва технология усулларидан кенг фойдаланиш имкониятини бериш ҳам яхши самара беради.

Бир маҳсулотни янги технологик самарали усулда етиштирса ва кам харажат қилиб юқори даромадга эришса, янги техникадан фойдаланиб жуда кўп қўл меҳнати ва вақти кетадиган ҳолларни бартараф этиб самарали фойдаланса, мақсадга мувофиқдир.

Жамиятда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёш тадбиркорларга, аёлларга ва кам таъминланган қатламларга қўллаб-қувватловчи дастурлар ташкил этиш, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кредитлар ва субсидиялар бериб ёрдамлашиш лозим. Бу йўналишларни яна такомиллаштириш лозим.

Камбағалликни қисқартиришда таълим муассасалари, жумладан олий таълим муассасаларининг таъсири жуда катта. Олий таълим муассасалари камбағалликни қисқартиришда муҳим роль ўйнайди. Улар ўз фаолияти орқали аҳолига маълумот, кўникмалар ва малака бериш, шунингдек, иқтисодий ривожланишга туртки бериб, ижтимоий барқарорликни таъминлашга ёрдам беради. Камбағалликни қисқартиришда олий таълимнинг асосий таъсири олий маълумотли бўлиш талабаларни юқори малакали ишчиларга айлантиради. Бу, ўз навбатида, уларнинг иш топиш имкониятларини оширади. Малакали ва билимли кадрлар меҳнат бозорида рақобатбардош бўлади ва камбағалликдан қутулиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари олий таълим муассасалари ишлаб чиқариш ва техник соҳаларда талаб қилинадиган мутахассислар тайёрлашга ёрдам беради. Бу, айниқса, юқори технологиялар ва янги ишлаб чиқариш соҳаларига оид мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондиришда муҳим. Олий маълумотга эга бўлган аҳоли иқтисодий ривожланишни рўёбга чиқаришда катта роль ўйнайди. Олий таълим муассасалари ёшлар ва бошқа аҳолига тадқиқотлар, инновациялар ва янги ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришда иштирок этиш имконини беради. Инновацияларга ва тадқиқотларга йўналтирилган таълим ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини самарали ривожлантиришга ёрдам беради, бу эса иқтисодий ўсиш ва иш ўринлари яратишга олиб келади. Шу билан бирга камбағалликни ҳам қисқартиради. Олий таълим муассасалари ёш тадбиркорлар ва аёллар учун бизнесни бошлаш ва ривожлантириш бўйича ўқув дастурлари, тренинглари ва инкубаторлар ташкил этиш орқали уларнинг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиради. Тадбиркорликка оид таълим ва бизнес тўғрисидаги билимлар, аниқ иқтисодий режалар, молиявий идора қилиш ва маркетинг каби соҳалардаги малака камбағалликни қисқартиришда муҳим.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, камбағалликни қисқартиришда олий маълумотга эга бўлиш инсонларга ўзларининг ижтимоий мақомини ўзгартириш, янгидан ўз имкониятларини кидириш имкониятини беради, бу эса камбағалликка қарши курашишга ёрдам беради. Олий таълим муассасалари малака ошириш ва қайта тайёргарлик дастурларини амалга ошириш орқали иш билан банд бўлмаган ёки камбағаллигидан чиқишга интилган одамларга янги касблар ва иш имкониятларини тақдим этади. Малака ошириш ва қайта тайёргарлик дастурлари ишчиларни юқори иш ҳақига эга, рақобатбардош касбларга ўқитиш имконини беради.

Шунингдек, олий таълим муассасалари ўз миқёсини кенгайтирса, ёшларнинг таълимга, илмий фаолиятга ва ижтимоий тараққиётга қизиқишини оширса, бу барча

фаолиятларнинг ижобий натижаси ва камбағалликни қисқартиришга олиб келади.

Талабаларнинг ўз устида ишлаши уларнинг билим олишда муваффақиятга эришишига ёрдам беради. Бу жараёнда уларнинг мустақиллик, мотивация ва муаммоларни ҳал қилиш қобилияти муваффақиятнинг калити бўлади.

Талабаларда ҳар бир фанни ўзлаштиришда креатив фикрлаш билан ёндашилса, фанни мукамал ўзлаштириб олади ва амалиётда қўллаш олади. Бунда ҳар бир мавзунинг ўзлаштиришда бу мавзу бизга нима беради, бу мавзунинг бизни таълим олишимизда қандай афзалликлари мавжуд ва бу мавзунинг қандай камчиликлари мавжудлигини таҳлил қилиб, бу бўйича тавсиялар ҳам ишлаб чиқишга эришилади. Шундагина ОТМда таълим сифатини оширилади, талабалар ўз устида ишлаш бошлайди, давлатни ривожлантиришда ўз хиссасини кўшади, энг асосийси камбағаллик қисқартирилиб аҳолининг турмуш фаровонлиги оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги ПФ-143-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 2022 йил 20 декабрдаги Мурожаатномаси. // <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
4. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637 қонуни. (Янгидан қабул қилинган)// <https://yuz.uz/news/talim-togrisidagi-qonun-imzolandi>.
5. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. “Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи”, 2021. – 256 б.,
6. Nematovna O. N., Karshibaevich P. M. Issues of Ensuring the Harmony of Education and Education in Improving Educational Services in Higher Education //American Journal of Economics and Business Management. – 2022. – Т. 5. – №. 8. – С. 33-37.
7. Ochilova H. N. FACTORS AFFECTING THE IMPROVEMENT OF EDUCATIONAL SERVICES IN HIGHER EDUCATION AND WAYS OF THEIR ANALYSIS //Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. – 2022. – Т. 2. – №. 1.1 Economical sciences.
8. Ochilova H. N. INCENTIVE AND MOTIVATION MECHANISMS OF INCREASING THE EFFICIENCY OF EDUCATIONAL SERVICES IN HIGHER EDUCATION //Экономика и социум. – 2023. – №. 6-1 (109). – С. 336-342.

<p>Х.Очилова</p> <p>Роль и значение высших учебных заведений в сокращении бедности</p> <p>Аннотация. В статье рассматривается, что необходимо сделать для сокращения бедности и повышения благосостояния населения, а также возможности населения с высшим образованием, роль и значение высших учебных заведений в сокращении бедности.</p> <p>Ключевые слова: сокращение бедности, благосостояние населения, образование, высшее образование, студенты, знания и навыки, образовательные преимущества.</p>	<p>H.Ochilova</p> <p>The role and importance of higher education institutions in poverty reduction</p> <p>Abstract. The article describes what work should be done to reduce poverty and improve the well-being of the population, and the opportunities of the population with higher education in poverty reduction, the role and importance of higher education institutions.</p> <p>Keywords: poverty reduction, population well-being, education, higher education, students, knowledge and skills, benefits of education.</p>
--	---

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

14.03.2025 йилда теришга берилди. 25.03.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,87. Адади 100 нусха. Буюртма № 0012А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.